

Узбекистон Республикаси Кашкадарё вилояти  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ  
"AUDIT HISOB MARKAZI"  
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Манзил: Кашкадарё вилояти, Карши шаҳри, 730000, Муस्ताкиллик кучаси, 3-уй, тел. 8 375 227 79 56  
Банк: ТИФ МБ Карши ш., код МФО 00150, Х/р.20208000104153882001, СТИР: 203798660, ОКОНХ 84400  
Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича МВ нинг 2008 й. 14 мартдаги АФ №00376 рақамли лицензиясига эга

Сана 27.03.2017 й.

«Nefit va gaz quduqlarini sinash» AJ

(Косон шаҳри, Муस्ताкиллик кучаси, 123-уй)

«Nefit va gaz quduqlarini sinash» AJ нинг  
2016 йилги молиявий ҳисоботларига  
АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Мижоз корхона : «Nefit va gaz quduqlarini sinash» AJ  
Жамият раиси : Ф. Шамсиддинов  
Ҳисоб рақами: 2021 0000 700 533 580 001. Уз СҚБ Карши филиали, код 00854  
СТИР : 201 787 580  
ХХТУТ: 85130

Мен, МЧЖ «AUDIT HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти аудитори Ойбек Кодиркулов томонидан «Nefit va gaz quduqlarini sinash» AJ нинг баланси, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботи, пул оқимлари тугрисидаги ҳисоботи, хусусий капитал тугрисидаги ҳисоботидан иборат 2016 йил 31 декабр ҳолатидаги тайёрланган молиявий ҳисоботининг ишончлилигини, мажбурий аудиторлик текширувидан утқаздим.

Аудиторлик текширувидан утқазиладиган ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утқазилган аудиторлик текширувига асосан ушба молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Nefit va gaz quduqlarini sinash» AJ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан утқаздик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий аҳборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари буйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ утқаздик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утқазлишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган, аудиторлик амалларини утқазлишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

2016 йил 31 декабр ҳолатига қура жамиятнинг таъсисчиларга дивидендлар буйича қарздорлиги 26749.0 минг сумни ташкил этган. Умуман олганда, ушбу сумма молиявий



хисоботдаги бузиб қурсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун уриштирилган муҳимлилик даражасидан ошмайди.

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий хисоботга таъсирдан ташқари, «Nefit va gaz quduqlarini sinash» АЖ нинг 2016 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий хисоботи «Бухгалтерия хисоби» тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик хизматлари бўйича унинг молиявий – ҳужалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний ақс эттиради.

**Жамият бош директори:**



*(Handwritten signature)*

**З.Эргашева.**

(аудит малака сертификати №04364  
УЎ.Респ. МВ том. 11.06.2007 й.б.ер.)

**Аудитор:**

*(Handwritten signature)*

**О.Кодиркулов.**

(аудит малака сертификати №05240  
УЎ.Респ. МВ том. 16.08.2014 й.б.ер.)

*(Faint, mostly illegible text, likely the main body of the audit report or a cover page with a watermark.)*